

УДК 911.2:528.91

*Аҳмаджонов А.И.*

*ЎзР ФА Сейсмология институти  
стажёр-тадқиқотчиси.*

## **ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ЛАНДШАФТ ТУЗИЛМАСИНИ ТАВСИФЛАШ ВА ХАРИТАГА ОЛИШ МАСАЛАЛАРИ**

**Аннотация.** Мақолада ландшафтшуносликнинг қисқача ривожланиш тарихи, ландшафт таълимотининг шаклланиши ва уни экологик муаммоларни бартараф этишдаги роли ва аҳамияти атрофлича ёритилган. Шунингдек, Қашқадарё вилояти ландшафтларини тавсифлаш ва харитага олиш масалалари ҳақида фикр, мулоҳаза юритилган.

**Калит сўзлар:** Ландшафт таълимоти, ландшафт турлари, геологик жараёнлар, экологик муаммолар, Қашқадарё вилояти, харитага олиш.

*Akhmadjonov A.I.*

*internship-researcher of  
Institute of Seismology  
of Academy of Sciences  
Republic of Uzbekistan*

## **DESCRIPTION AND MAPING OF THE LANDSCAPE STRUCTURE OF KASHKADARYA REGION**

**Annotation.** The article details the concept of the brief development of landscape science, its role and significance in illuminating landscape education and eliminating environmental problems. The issues of description and mapping of landscapes of Kashkadarya region were also discussed.

**Keywords:** Landscape doctrine, landscape types, geological processes, environmental problems, Kashkadarya region, mapping.

*Аҳмаджонов А.И.*

*стажер-исследователь  
Института Сейсмологии АН РУз*

## ОПИСАНИЕ И КАРТОГРАФИРОВАНИЯ ЛАНДШАФТНОЙ СТРУКТУРЫ КАШКАДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ

**Аннотация.** В статье представлена краткая история развития ландшафта, становления ландшафтного учения, его роль и значение в решении экологических проблем. Также были высказаны комментарии по описанию и картографированию ландшафтов Кашкадарьинской области.

**Ключевые слова:** Ландшафтное учение, типы ландшафтов, геологические процессы, экологические проблемы, Кашкадарьинская область, картографирование.


Географияга оид адабиётлардан маълумки, ландшафт немисча сўз бўлиб, (“ланд” – “ер” ва “шафт” – “манзара” деган маънони билдиради [2]. Гарчи ландшафт таълимотининг пайдо бўлиш тарихи немис олимларига бориб тақалсада, ландшафт концепцияси ҳамда назарияси умуман ландшафтшунослик фанининг шаклланиши ва ривожланишида рус олимларнинг улкан меҳнатларини алоҳида қайд этиш лозим. Ландшафт ҳақидаги ғоя ва таълимотни вужудга келишида В.В.Докучаев ва унинг илмий мактаби намоёндаларининг хизматлари катта бўлган. Ўзбекистонда ҳам бу борада салмоқли ишлар амалга оширилган. Жумладан, ландшафтшунослик борасида улкан тажрибага эга Ш.С.Зокиров ва Х.Р.Тошовларнинг [3] таъкидлашларига кўра, мамлакатимизда ландшафтшуносликка оид дастлабки илмий изланишлар ўтган XX асрнинг 50-йиллари охирида Л.Н.Бабушкин ва Н.А.Когай томонидан Ўзбекистон ҳудудини қишлоқ хўжалиги мақсадларида табиий географик районлаштириш мавзуида амалга оширилган тадқиқотлари билан бошланган. Л.Н.Бабушкин ва Н.А.Когайдан сўнг мамлакатимизда ландшафтшунослик таълимоти асосидаги илмий фаолиятни ривожлантириш билан Л.Алибеков, П.Ғуломов, А.Рафиқов, А.Абулқосимов, М.Умаров, Ш.С.Зокиров, Х.Р.Тошов ва бошқалар

шуғуланганлар ва бу борадаги изланишлар ҳозирда ҳам жадал давом эттирилиб келинмоқда.

Ер юзасида кечадиган барча табиий ҳодисаларнинг ўзаро таъсир ва боғлиқлик ғояси турадиган ландшафт ўзининг ҳудудий ўзгаришида яхлит тизим сифатида намоён бўлади. Айниқса, ўтган XX-асрнинг 60-йилларидан эътиборан демографик жараёнларнинг ривожланиши ва дунё аҳолисининг муттасил кўпайиб бориши, табиат ресурсларидан фойдаланишда мавжуд мейёрларни бузилиши ва ландшафт структурасида содир бўлган салбий ўзгаришларни ортиб бориши билан юзага келган экологик муаммоларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш ва режалашда ландшафт таълимоти орқали ёндашиш катта аҳамият касб эта бошлади.

Марказий Осиё минтақаси геологик жиҳатдан узоқ ўтмишларда мураккаб ривожланиш жараёнларини бошдан кечирганлиги учун ўзига хос турли ландшафтлардан таркиб топган [2]. Хусусан, республикамизнинг жанубий-ғарбида жойлашган Қашқадарё вилояти ландшафтларнинг структурали-динамик ҳолати ва қиёфасининг ўзгачалиги айрим географлар томонидан эътироф этилган. Қашқадарё ландшафтларининг ўзига хослиги ва турли-туманлигининг асосий сабаби геологик даврларда геологик, геоморфологик ҳодисалар ва инсон фаолиятининг таъсири ҳисобланади. Қашқадарё замини текислик, тоғ олди ва тоғли ҳудудларидан иборат бўлиб, уларда республиканинг бошқа ерларида учрамайдиган Кичик Осиё, Эрон, Афғонистон ва бошқа шарқ мамлакатларига хос бўлган айрим ландшафт турлари тарқалган [4]. Вилоятнинг ландшафт структураси мураккаб бўлганлиги сабабли бу ердаги табиий географик шароитлар ҳам шунга монанд хилма-хиллик касб этган. Қашқадарё вилоятининг шимоли-шарқи тоғ ва тоғ олди, шарқ ва шимоли-ғарбий қисмлари текисликлардан (асосан чўллар дан) ташкил топган.

Қашқадарё вилоятининг тоғли минтақаларида нивал, ўтлоқи дашт, ўрмон ландшафтлари кенг тарқалган бўлса, тоғ олди ҳудудларида лёссли ва чала чўлли ландшафтлар учрайди шунингдек, текислик қисмлари асосан чўл (гипсли, гилли, шўрхоксимон ва бошқа.) ландшафтлари билан қопланган. Вилоятда тарқалган ландшафтларни тасвирлаш ва улар ҳақида кенгроқ тасаввур ҳосил қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси тасарруфидаги “Картография” илмий-ишлаб чиқариш давлат корхонасида [5] 2016-йили нашр этилган Қашқадарё вилояти ўлкашунослик атласидаги айрим маълумотларидан фойдаланган ҳолда, ҳудуднинг аерокосмик суратларини дешифровка қилиш орқали Қашқадарё вилоятининг ландшафт харитаси тузилди. Зеро, В.Г.Исаченко таъкидлаганидек [1] ландшафтлардаги ўзгаришларни ва юзага келган муаммоларни яққол намоён этишда, уларни таҳлил қилиш ва илмий хулосаларни чиқаришда картографик асарлар (харита, атлас ва бошқ.) устувор ҳисобланади.



1-расм. Қашқадарё вилояти ландшафт харитаси

**Хулоса.** Жаҳон миқёсида кечаётган ҳозирги глобаллашув ва илмий-техник тараққиёт ўзининг юқори чўққисига чиққан ва инсон манфаатлари ўз ифодасини топиб бораётган даврда табиат ва жамият ўртасидаги муносабатлар ҳар қачонгидан ҳам кескинлашган, ҳамда бунинг оқибатида ландшафтларда турли салбий ўзгаришлар юз бериб, улардаги экологик муаммолар тобора жиддий тус олаётгани ҳеч кимга сир эмас. Мазкур экологик муаммолар хусусан, табиат ресурсларнинг қашшоқланиши ва ландшафтларида кечаётган салбий ўзгаришлар республикамиз учун ҳам ҳалокатли оқибатларни келтириб чиқариши ва экологик таназзулга олиб келиши мумкин. Мавжуд салбий жараёнлар тарқалишини инобатга олсак, муаммога ландшафт таълимоти юзасидан ёндашиш ҳамда вазиятни барқарорлаштириш йўлида илмий ечимларни излаш, уларни амалда қўллаш, бугунги куннинг долзарб ва устувор вазифаси ҳисобланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Исаченко А. Г. Ландшафтоведение и физико-географическое районирование. - М.: Высш.шк., 1991 г. – 80-110 с.
2. Назаров И.Қ. География фанининг асосий муаммолари - Тошкент: “Муҳаррир”, 2003 й. 106-110 б.
3. Zokirov SH.S., Toshov X.R. Landshaftshunoslik. Ўқув қўлланма. Toshkent. “Турон замин зиё” нашриёти. 2016 й. 200 б.
4. Murodova D.S. Qashqadaryo viloyati iqtisodiy geografiyasi – Qarshi: 2007 й. 4-18 б.
5. Qashqadaryo viloyati o'lkashunoslik atlas. O'zbekiston Respublikasi Yer resurslari, geodeziya, kartografiya va davlat kadastr davlat qo'mitasi. Toshkent, 2016 у.